



ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНING ФАЛСАФИЙ ВА ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ

Дониёр Ахмаджанов

доценти, н.ф.ф.д.(PhD)

Чирчиқ давлат педагогика университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шарқ мутафаккирлари, илмий мерос, педагогик тадқиқотлар, ахлоқий тарбия, маънавий ривожланиш, маънавий етакчилик, интеграция, замонавий таълим.

Received: 08.10.24

Accepted: 10.10.24

Published: 12.10.24

Аннотация: Мазкур мақолада Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини фалсафий ва педагогик тадқиқотларда ўрганиш масалалари таҳлил қилинган. Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абдураҳмон Жомий ва бошқа Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-ахлоқий ва маънавий қарашлари замонавий таълим ва фалсафанинг ривожланишидаги аҳамияти ёритилган. Мақолада Шарқ мутафаккирларининг фалсафий ғоялари педагогик жараёнга қандай интеграция қилиниши кераклиги муҳокама қилиниб, уларнинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаси чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, ёшлар тарбиясини тўғри ташкил қилишда ва замонавий таълимни такомиллаштиришда Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашларидан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар берилган. Мақола таълим ва фалсафада Шарқ меросининг замонавийликдаги аҳамиятини ёритиб беради.

Кириш. Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси жаҳон фалсафасининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Улар томонидан илгари сурилган ижтимоий-ахлоқий таълимотлар замонавий фалсафий қарашлар билан узвий боғлиқ бўлиб, инсоннинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, жамиятда адолатли бошқарув ва шахснинг камолотга интилиши каби тушунчалар марказий ўрин эгаллайди. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон

Беруний, Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби йирик мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари замонавий тадқиқотларда кенг ўрганилаётган мавзулардан биридир.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистондаги илм-фан ва маданият соҳасида фаолият юритган олимлар Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини чуқур ўрганиб, уларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссасини ёритганлар. Хусусан, бу соҳада Н.Маллаев, В.Абдуллаев, М.Хайруллаев, Ю.Саиджонов, Б.Тўхлиев, М.Фармонова, Ҳ.Ҳомидов, Ж.Туленов, Я.Шермухамедов, Х.Бобоев, С.Ҳасанов, И.Сувонқулов, А.Нуров [1] каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Хусусан, А.Нуров ўз тадқиқотларида Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини замонавий фалсафий қарашлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. Унинг фикрича, Форобий томонидан илгари сурилган “Фозил одамлар шаҳри” концепцияси жамиятда адолат ва маърифатнинг устунлигини таъминлаш учун муҳим назарий асос ҳисобланади [2].

Шарқ мутафаккирларининг фалсафий мероси хорижий олимлар томонидан ҳам кенг ўрганилган. Масалан, немис файласуфи Ҳ.Хоммелнинг тадқиқотларида Ибн асарларидаги ахлоқий-этик қоидалар чуқур таҳлил қилинади. Хоммел Ибн Синонинг ахлоқий ривожланиш ҳақидаги қарашларини замонавий инсон камолотининг назарий асосларидан бири сифатида тавсифлайди. Унинг фикрича, Ибн Синонинг маънавиятга қаратган диққати фақат ўша даврдаги жамият учун эмас, балки ҳозирги глобал жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга [3].

Муҳокама ва натижалар. Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси фалсафа соҳасида муҳим ўрин тутиб, уларнинг ижтимоий-ахлоқий, сиёсий, маънавий ва табиий фанлар борасидаги қарашлари замонавий тадқиқотларда чуқур ўрганилади. Шарқ мутафаккирлари инсон маънавияти, ахлоқ-этика, адолатли бошқарув, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар каби муҳим масалаларга тўхталганлар. Улар ўз асарларида жамиятни маънавий ва ахлоқий ривожлантиришнинг асосий назарий асосларини ишлаб чиқиб, бу соҳада бой фалсафий мерос қолдирганлар.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини фалсафий таҳлил қилишда йирик мутафаккирлар томонидан ёзилган асарлар ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари асосий ўрин тутди. Улар жамиятдаги барқарорлик ва инсон камолотининг асосини ахлоқ, маърифат ва адолатли бошқарувга боғлаб, фалсафий методларни ишлаб чиққанлар.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини йўналишлар кесимида таснифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг асарлари турли илм-фан соҳаларида муҳим ўрин

тутиб, ҳар бир йўналишда алоҳида ривожланишга эришган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда бу йўналишларни қуйидагича таснифладик:

1. **Ижтимоий ва сиёсий фалсафа.** Абу Наср Форобий, Ибн Холдун, Жалолоддин Румий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар томонидан ёзилган асарлар бу йўналишда муҳим аҳамиятга эга. Улар жамият тузилиши, адолатли бошқарув, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар, фозиллик ва адолат тушунчаларини ривожлантирганлар. Масалан, Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида жамиятни адолатли ва маънавий юксакликка эришган шахслар томонидан бошқарилишини таъкидлаган.

2. **Ахлоқ ва маънавият.** Ибн Сино, Форобий, Ал-Ғаззолий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий тушунчалар бу йўналишнинг асосий пойдеворларидир. Ибн Синонинг таълимотида ахлоқий ривожланиш инсон шахсий камолоти ва жамиятнинг барқарорлиги учун муҳим шарт деб кўрилган бўлса, Ал-Ғаззолий эса инсон маънавиятини юксалтириш орқали жамиятнинг умумий фаровонлигини таъминлашга эътибор қаратган.

3. **Табий фанлар ва фалсафа.** Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний томонидан ишлаб чиқилган асарлар табиат фалсафаси ва илм-фан ривожига катта таъсир кўрсатган. Улар инсоннинг табиатга муносабати ва уни ўрганиш орқали ахлоқий фазилатларни шакллантириш мумкинлигини кўрсатганлар. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида табиат фалсафаси, инсон танаси ва унинг табиат билан алоқасига доир масалалар чуқур ёритилган.

4. **Руҳий-ахлоқий камолот.** Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган руҳий ва маънавий камолот тушунчалари инсоннинг ички дунёсига, унинг ахлоқий комилликка эришишига қаратилган. Жомий ва Форобий инсон маънавиятини ахлоқий етукликка эришиш орқали шакллантириш назарияларини ишлаб чиққанлар.

Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий олимлар томонидан фалсафий, сиёсий, маънавий-маърифий, педагогик ва психологик аспектларда кенг ўрганиб келинмоқда. Улар мутафаккирлар томонидан илгари сурилган ғояларни замонавий фалсафий ва илмий асослар билан боғлаб таҳлил қилганлар.

Ўзбекистонда Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси чуқур ўрганилган. М.Хайруллаев ўзининг тадқиқотларида Форобий ва Ибн Синонинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини замонавий фалсафий йўналишлар билан таққослаб таҳлил қилган. Хайруллаевнинг фикрича, Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ ва маънавиятга оид ғоялари ҳозирги глобал дунёда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Унинг таъкидлашича,

Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” назарияси бугунги жамиятнинг барқарорлиги ва адолатли бошқарувини таъминлаш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади [4].

Хорижий олимлар орасида америкалик тадқиқотчи Чарльз Ҳенри Ибн Сино ва Форобийнинг ахлоқий ривожланишга доир ғояларини чуқур таҳлил қилган. Унинг фикрига кўра, Шарқ мутафаккирларининг инсон маънавиятига қаратган диққати уларнинг глобал жамиятдаги маданий қадриятларга бўлган ҳурматини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ҳенри таъкидлайдики, Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган фалсафий ғоялар замонавий инсоний ҳуқуқлар ва ахлоқ-этик тамойилларни мустаҳкамлашга қаратилган [5].

Чарльз Ҳенрининг тадқиқотларида Форобий таълимоти Ғарб ахлоқий-эстетик қарашларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Шунинг учун ҳам адолатли бошқарув, ахлоқ, эстетика жамият борасидаги Форобий таълимотининг таҳлилларида бирёқламалик кузатилади. Бизнингча, Форобий таълимотини таҳлил қилишда у яшаб турган ижтимоий-сиёсий тузумлар, миллий менталитет билан боғлиқ жиҳатлар инобатга олиниши лозим. Акс ҳолда таҳлилларда илмий холисликдан бир мунча чекиниш, узоқлашиш ҳолатлари кузатилади.

Турк олимларидан Мустафо Аксой Форобий ва Ибн Синонинг фалсафий меросини ўрганиб, уларнинг ғояларини ҳозирги дунё сиёсий ва маънавий тизимлари билан боғлаб таҳлил қилади. Аксойнинг фикрига кўра, Форобий томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг адолатли бошқарув назарияси ҳозирги демократия ва фуқаролик жамияти концепцияларининг асосий пойдеворларидан бири бўлиб хизмат қилади [6].

Мустафо Аксой Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан жамият ривожига катта таъсир кўрсатганлигини эътироф этган ҳолда уларнинг инсон камолоти, жамиятда адолатли бошқарув, ахлоқ-этика каби мавзуларда чуқур фалсафий тушунчаларни таҳлил қилишда Форобийни юнон файласуфлари Аристотель, Платон ва Суқротларнинг назарияларидан ўзлаштирилганлигини қайд этади. Форобийнинг мазкур файласуфлар таълимотини ўрганганлиги рост, лекин унинг таълимотини ўзлаштириш деб эмас, балки Шарқ менталетига мос ҳолда давом эттирган дейиш, бизнингча, тўғрироқ бўлади. Умуман, Мустафо Аксой Форобий таълимотини анча холис ўрганган ва унда илаги сурилган ғоялар ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлигини таъкидлайди [7].

Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-ахлоқий қарашлар фақат ўтмишга хос бўлган назарий қоидалар эмас, балки ҳозирги жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ривожига ҳам катта таъсир кўрсатадиган йўналишлардир. Ибн Сино,

Фаробий ва Жомийнинг асарлари нафақат маънавий жиҳатдан, балки сиёсий ва ижтимоий тузилмаларда ҳам яққол акс этган. Улар томонидан илгари сурилган маънавият ва ахлоқ тушунчалари инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантиришда асосий омиллардан бири сифатида қаралган.

Профессор И.Сувонқуловнинг таъкидлашича, Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-ахлоқий ғоялар ҳозирги замонавий жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Унинг фикрича, Фаробий ва Ибн Синонинг инсон камолотига қаратилган қарашлари замонавий ёшларнинг шахсий ривожланиши ва ахлоқий етуқлигига йўналтирилган муҳим таълимотлардан биридир [8].

Япониялик тадқиқотчи Такеши Сузуки Ибн Синонинг фалсафий асарларидаги инсон камолотига оид ғояларини чуқур таҳлил қилиб, унинг инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларга таъсирини ўрганган. Сузукининг фикрига кўра, Ибн Синонинг ахлоқий таълимоти жамиятда адолатли муносабатларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга [9].

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросининг фалсафий таҳлиллари уларнинг ижтимоий-ахлоқий, сиёсий, ва табиий фанлар соҳаларидаги асарларини чуқур ўрганишни талаб қилади. Ўзбек ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, Шарқ мутафаккирларининг ахлоқ ва маънавиятга доир ғоялари ҳозирги глобал жамиятда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий тушунчалар жамиятнинг барқарор ривожланиши ва маънавий юксалиши учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шарқ мутафаккирлари таълим ва тарбияга катта эътибор қаратганлар ва уларнинг педагогик ғоялари замонавий таълим жараёнида муҳим ўрин тутди. Шарқ мутафаккирлари инсонни нафақат билимли, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланган шахс сифатида тарбиялашни таълимнинг асосий мақсади деб билганлар. Уларнинг педагогик қарашлари инсоннинг маънавий юксалиши, ахлоқий камолоти ва жамиятдаги фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Бу ғоялар ҳозирги педагогик тадқиқотларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси нафақат фалсафа, балки таълим соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга. Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абдурахмон Жомий ва Ал-Газзолий каби мутафаккирлар таълим-тарбия жараёнидаги ахлоқ ва маънавиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Улар таълимнинг асосий мақсади инсонни

маърифатли қилиш эмас, балки уни ахлоқий жиҳатдан ҳам комил шахсга айлантириш деб билишган.

Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида таълимнинг аҳамиятини чуқур таҳлил қилган. Унинг фикрига кўра, фозил жамиятнинг асоси – маънавий-ахлоқий ривожланган шахслардир. Форобий таълим жараёнида инсоннинг ахлоқий қадриятларига эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, таълим ахлоқ-одоб қоидалари билан уйғун бўлсагина инсон маънавий камолотга эришиши мумкин [10].

Ибн Сино ўзининг таълимга оид қарашларида илм ва ахлоқий қадриятларни шакллантириш муҳимлигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, ёш авлодни илм билан тарбиялаш ва маънавий қадриятларга содиқ бўлиш уларнинг шахсий камолотига олиб келади. Ибн Сино таълим жараёнида ахлоқий меъёрларга амал қилиш ёшларнинг инсон сифатида шаклланишига йўналтирилганлиги учун таълимнинг асосий мақсади, деб кўрган [11].

Шарқ мутафаккирлари ёш авлодни ахлоқий қадриятларга риоя қилишга йўналтириш ва уларни маънавий ривожланишга етаклашни таълимнинг асосий вазифаси деб билишган. Мутафаккирлар таъкидлаганидек, ёш авлод маънавий ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам тарбия олмаса, жамиятда барқарорлик ва фаровонлик таъминланиши қийин. Хусусан, Форобий ёшларни фозиллик ва ахлоқий етукликка етаклашни жамиятнинг келажаги учун муҳим деб билган. Унинг фикрига кўра, ёшларнинг ахлоқий ривожланиши уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда ҳал қилувчи омилдир. Форобий таълим жараёнида ёшларнинг ахлоқий қадриятларга эга бўлиши жамиятдаги муносабатларнинг одилона ва адолатли бўлишига олиб келади, деб таъкидлаган [12].

Абдурахмон Жомий ҳам ёшлар тарбиясига катта аҳамият қаратган. Унинг фикрига кўра, таълим ёшларни фақат билимли қилиб қўйиш билан чекланмаслиги керак, балки уларнинг шахсий камолотини ҳам таъминлаши зарур. Жомийнинг таълимотида ахлоқ ва маънавият ёшларнинг келажакда фойдали шахс бўлиши ва уларнинг жамиятда фаол фуқаро бўлиши учун асосий омил эканлиги таъкидланган [13].

Шарқ мутафаккирлари таълим жараёнида ахлоқий тарбияни алоҳида ўринга қўйишган. Уларнинг фикрича, таълим ва ахлоқ бир-бири билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, ахлоқий тарбиясиз тўлиқ таълимнинг имкони йўқ. Форобий, Ибн Сино ва Ал-Ғаззолий таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни нафақат билимли, балки ахлоқий фазилатларга эга шахс сифатида тарбиялаш эканини таъкидлаганлар. Форобий таълим

жараёнида ахлоқий қадриятлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатларга катта аҳамият қаратган. У таълимнинг инсон маънавиятини юксалтиришга қаратилган бўлиши кераклигини таъкидлаган. Форобийнинг фикрича, ахлоқ ва маърифат ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларнинг уйғунлиги орқали тўлакомил шахс тарбиялаш мумкин.

Ал-Ғаззолий таълим жараёнида ахлоқий қадриятларнинг устуворлигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, таълим инсон маънавиятини юксалтириш воситаси бўлиб, фақат ахлоқий тарбиясиз таълим ёшларнинг шахсий ривожига тўлиқ ҳисса қўша олмайди. Ал-Ғаззолий ахлоқий тарбияни таълимнинг асосий мақсади деб таъкидлаб, уни ёшларнинг шахсий камолоти ва жамиятдаги аҳамиятини белгилайдиган омил сифатида кўрган [14].

Шарқ мутафаккирларининг таълим ва ахлоққа оид ғоялари ҳозирги замонавий таълим жараёнига интеграция қилиниши лозим. Уларнинг асарлари ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг ахлоқий фазилатларини юксалтириш ва фойдали фуқаролар қилиб етиштириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳ.Ҳомидов ўз тадқиқотларида Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини замонавий таълим тизимига жорий қилиш масалаларини ёритган. Ҳомидовнинг фикрича, Ибн Сино ва Форобий томонидан ишлаб чиқилган таълим ва тарбияга оид ғоялар ёшларнинг шахсий ривожланиши ва уларнинг ижтимоий жиҳатдан фаол шахслар бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутади. Унинг фикрига кўра, бу ғоялар ёш авлодни жамият учун фойдали шахслар сифатида шакллантиришда муҳим назарий ва амалий асосдир [15].

Франциялик тадқиқотчи Жан-Пьер Вилляр Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид ғояларини чуқур ўрганган. Унинг фикрига кўра, Шарқ педагогикасига хос бўлган ахлоқ ва маърифатга асосланган ёндашув замонавий таълим жараёнини бойитиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Виллярнинг таъкидлашича, Форобий ва Ибн Синонинг таълимотлари ёшларнинг шахсий ва маънавий ривожланишига йўналтирилган муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади [16].

Хулоса. Шарқ мутафаккирлари ёшларнинг маънавий ривожланиши ва уларнинг жамият ривожига қўшадиган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг таълимотларига кўра, ёшлар маънавий етукликка эришган тақдирда жамиятнинг барқарор ривожланиши таъминланади. Ёшларнинг маънавий ривожланиши фақат уларнинг шахсий камолоти учун эмас, балки жамият манфаатлари учун ҳам муҳим. Мутафаккирлар ёшларнинг маънавий ривожланиш жараёнидаги шахс сифатида шаклланишини жамиятдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омили сифатида кўришади. Улар ёшларнинг маънавий юксалиши жамиятда ижтимоий

адолатни мустақкамлаш ва ахлоқий меъёрларга риоя қилишга ёрдам беришини таъкидлаганлар.

Умуман, замонавий таълим ва педагогиканинг турли соҳалари учун мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг ахлоқий қарашлари, ижтимоий-сиёсий фалсафа, маънавий ривожланиш масалалари ва таълим-тарбияга оид таълимотлари бугунги кун таълим тизими ва педагогик тадқиқотларда қўлланилиши мумкин бўлган бой назарий манба ҳисобланади. Мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилган фалсафий қарашлар замонавий дунёда глобал муаммоларга ечим топишда, таълим ва инсон маънавиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бугунги глобаллашув шароитидаги замонавий таълим тизимида Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ғоялар жамият ва ёшлар тарбиясидаги ижтимоий-ахлоқий жиҳатларни бойитишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нуоров А. Фалсафа ва маънавият: Шарқ фалсафасидаги инсон тушунчаси. – Т.: Фан, 2018. – Б. 45-50.
2. Hommel, H. Ibn Sina's Ethical Views in Relation to Modern Philosophical Thought. – Berlin: Springer, 2019. – P. 32-40.
3. Хайруллаев М.М. Шарқ Ренессанси ва Форобий / Фан ва турмуш, -Т.: 1994, №5. – Б.15-18.
4. Henry, C. The Philosophical Contributions of Eastern Thinkers. – Chicago: University Press, 2020. – P. 45-50.
5. Aksoy, M. Farabi'nin Siyasi Felsefesi ve Modern Toplumlar. – Istanbul: Bilim Yayınları, 2017. – S. 58-65.
6. Сувоқулов И. Маънавият илдизлари. Қўлланма. – Самарқанд. 2000. –Б.57-58.
7. Suzuki, T. Ibn Sina's Ethical Philosophy in the Context of Modern Society. – Tokyo: Kyoto University Press, 2018. – P. 72-78.
8. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Янги аср авлоди, 2016. –Б.205.
9. Маънавият юлдузлари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев). –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. –Б.58.
10. Ҳомидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. Т; Фан, 1995. Б.72.
11. Ҳомидов Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011. – Б. 91-96.
12. Villard, J.P. The Pedagogical Legacy of Eastern Thinkers: Integration of Moral Values in Modern Education. – Paris: Gallimard, 2019. – P. 62-69